



188

140300, Samarqand viloyati Samarqand tumani Gulobod qo'rg'oni Tel/faks 612-55-31 612-55-90

2015 у.г. "29" май

№ 730-к Samarqand t-p Самарканд

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида
фуқаро Улмасов Баходурга маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида яшовчи фуқаро Улмасов Баходур туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси (аёллар салони) қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласида яшовчи фуқаро Улмасов Баходурга “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Рустам” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси (аёллар салони) қуриш учун 35 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Улмасов Баходурга маиший хизмат кўрсатиш шахобчасини (аёллар салони) қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров